



БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРИДА БИОЛОГИК АКТИВЛАРНИНГ ҲИСОБ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАСНИФЛАНИШИ ВА ТАВСИФИ

Болтаев Аброр Сайитмуродович -
Солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Фискал институти доценти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a65

Аннотация. Ушбу мақолада бизнес жараёнларида биологик активларнинг ҳисоб объекти сифатида таснифланиши ва тавсифи баён қилинган. Хусусан, «биологик актив» тушунчасига муаллифлик ёндашуви шакллантирилган ҳамда ўрганилган манбаларда берилган таърифлар ва ёндашувлардан фарқли жиҳатлари асослаб берилган. Шунингдек, биологик активларни тадбиркорлик субъектларида бизнес жараёнлари ва молия-ҳўжалик фаолиятидаги ҳаракати бўйича гуруҳларга ажратилган ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида туркумланиши таклиф этилган ҳолда аниқ ҳулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: бизнес жараёнлар, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги фаолияти, биологик актив, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, биологик трансформация, ўсимликлар, ҳайвонлар, истеъмолга мўлжалланган биологик активлар, ҳосилдор биологик активлар, этилган ва этилмаган биологик активлар.

КЛАССИФИКАЦИЯ И ОПИСАНИЕ БИОЛОГИЧЕСКИХ АКТИВОВ КАК ОБЪЕКТОВ УЧЕТА В БИЗНЕС-ПРОЦЕССАХ

Болтаев Аброр Сайитмуродович -
Доцент Налогово-бюджетного института
при Налоговом комитете

Аннотация. В данной статье рассмотрена классификация и описание биологических активов как объекта учета в бизнес-процессах. В частности, сформулирован авторский подход к понятию «биологический актив» и обоснованы его аспекты, отличные от определений и подходов, данных в изучаемых источниках. Кроме того, биологические активы разделены на группы по их движению в бизнес-процессах и финансовой деятельности в хозяйствующих субъектах и сформулированы конкретные выводы, предлагающие классифицировать их как объект учета и элемент финансовой отчетности.

Ключевые слова: бизнес-процессы, сельское хозяйство, сельскохозяйственная деятельность, биологический актив, сельскохозяйственный продукт, биологическая трансформация, растения, животные, потребляемые биологические активы, продуктивные биологические активы, зрелые и незрелые биологические активы.

CLASSIFICATION AND DESCRIPTION OF BIOLOGICAL ASSETS AS AN ACCOUNT OBJECT IN BUSINESS PROCESSES

Boltaev Abror Sayitmuradovich -
Associate Professor of the Fiscal Institute under the Tax Committee

Abstract. This article considers the classification and description of biological assets as an object of accounting in business processes. In particular, the author's approach to the concept of "biological asset", which differs from the studied sources, has been formulated and its aspects have been substantiated. In addition, biological assets are divided into groups according to their movement in business processes and financial activities in business entities, as well as specific conclusions that suggest classifying them as an accounting object and an element of financial reporting have been formulated.

Keywords: business processes, agriculture, agricultural activity, biological asset, agricultural product, biological transformation, plants, animals, consumable biological assets, productive biological assets, mature and immature biological assets.

Кириш. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни жорий этиш жараёнини тизимлаштириш ва унинг натижадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар натижасида бухгалтерия ҳисоби соҳасига "қишлоқ хўжалик

фаолияти", "биологик активлар", "ҳосилдор ўсимликлар", "биологик трансформация" ва "қишлоқ хўжалиги маҳсулоти" каби қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобига оид янги атамалар кириб келди. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришда мазкур атамалар мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш ва талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Албатта, республикадаги миллий ҳисоб тизимида қишлоқ хўжалик фаолиятини ҳисобга

олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибининг назарий, ташкилий ва услубий жиҳатлари умумий асосларда берилган бўлиб, бугунги кунда уларни МҲХСга уйғунлаштириш ва ҳисобини такомиллаштириш зарур. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари (акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахслар) томонидан 2021 йил 1 январдан МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши ва молиявий ҳисоботни тайёрлаши белгиланган. Бу эса, қишлоқ хўжалик фаолиятини алоҳида ҳисоб объекти сифатида ҳисобга олишни тақозо этмоқда.

Халқаро амалиётда қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тартиби 41-сон “Қишлоқ хўжалиги” номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС)да белгиланган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади.

Мазкур БҲХСда “Қишлоқ хўжалиги фаолияти – бу ташкилот томонидан сотиш ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотига ёки қўшимча биологик активларга айлантириш учун биологик активларнинг биологик трансформациясини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини йиғишни бошқарилишидир” [2] деб таъриф берилган. Бундан кўринадики, тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг асосий объекти бу биологик активлар ҳисобланади. Албатта, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳам ҳисоб объекти ҳисобланади, бироқ у ҳам биологик активлардан йиғилган актив бўлганлиги боис, биологик активлар асосий ҳисоб объектидир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Монографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳисоб объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий асарларида биологик актив тушунчасига қуйидагича таърифлар ва ёндашувлар келтирилган. Хусусан, 41-сонли “Қишлоқ хўжалиги” номли БҲХСда “биологик активлар - бу тирик ҳайвонлар ёки ўсимликлардир” [2] деб таъриф берилган.

5-сон “Қишлоқ хўжалиги” номли миллий бюджет ҳисоби стандарти (БҲС)да “биологик актив – ҳайвонлар ёки ўсимликлар” [3] дея баён қилинган.

Хорижлик иқтисодчи олимлар N.W.Widiyanti, V.Maharani ва I.Purnamawati “Биологик активлар - бу биологик трансформацияга учраган ўсимликлар ва ҳайвонлар” [4] эканлигини таъкидлаган ҳолда, уларни тўғри ҳисобга олиш усулидан фойдаланган ҳолда тан олиниши, ўлчаниши ва ошкор этилишини талаб қилади, деб ёзишади. Шунингдек, иқтисодчи олима Н.Н.Агошкованинг таъкидлашича, “Биологик актив - бу биотрансформация жараёнида қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини ёки қўшимча биологик активларни ишлаб чиқаришга қодир бўлган ва шу билан ташкилотга иқтисодий фойда келтирадиган ҳайвон ёки ўсимлик” [5].

Иқтисодчи олим В.Ф.Палийнинг ёзишича, “биологик активлар - бу қишлоқ хўжалиги фаолияти учун, яъни ҳозир ва келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олиш мақсадида сотиш, алмаштириш ёки уларни сонини кўпайтириш учун қўлланиладиган ўсимликлар ва ҳайвонлардир” [6].

Шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳам биологик активларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг айрим жиҳатларини тадқиқ қилиб ўрганишган. Хусусан, иқтисодчи олим З.У.Махаммадиев томонидан “Биологик активлар - бу корхоналар ихтиёридаги ўзига хос биологик хусусиятларга эга бўлган, улар томонидан янги биологик активларни ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш, айрибошлаш, ижарага бериш йўли билан иқтисодий манфаат олиш мақсадларида бошқариладиган ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда кўп йиллик ўсимликлардир” [7] деб таъриф берилган. Фикримизча, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда кўп йиллик ўсимликлар бошқарилмайди, балки мазкур биологик активларнинг биологик трансформацияси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини йиғиш жараёни бошқарилади.

Иқтисодчи олим Б.Ю.Менгликулов ёндашувига кўра “Биологик активлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки бошқа биологик активларни берадиган тирик ўсимликлар ёки ҳайвонлар бўлиб, бунда биотрансформациядан фойдаланилади” [8]. Шунингдек, иқтисодчи олим “биотрансформация” атамасини қуйидагича изоҳлайди: “Биотрансформация - бу ўсиш, насл қолдириш, ишлаб чиқариш ва кўпайиш жараёни натижасида биологик активда содир этиладиган сифат ва сон ўзгаришидир” [8].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биологик трансформация жараёни фақат ўсиш, насл қолдириш, ишлаб чиқариш ва кўпайиш жараёни ҳисобланмайди. Чунки, бу жараёнга дегенерация ҳам киради. Яъни, биологик активлар миқдорининг камайиши ёки улар сифатининг ёмонлашиши ҳам биологик трансформация жараёнида содир бўлади. Фикримизнинг мантиқий давоми сифатида хорижлик иқтисодчи олима Л.Ф.Ситдикованинг фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтаемиз. Жумладан, иқтисодчи олима “Илмий адабиётларда биотрансформациянинг кўпгина таърифлари бу жараённинг тўрт босқичдан иборатлиги келтирилган: ўсиш, дегенерация, ишлаб чиқариш ва кўпайиш (такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги кўпайиши). Бизнинг фикримизча, бу унчалик тўғри ёндашув эмас, чунки биологик активлар барча тўртта босқични босиб ўтмасли-

ги мумкин: агар биологик активлар ўсиш босқичида бўлса, дегенерациянинг имкони йўқ, чунки булар бир-бирини инкор қилувчи ҳолатлардир. Биологик активлар кўпайиши, кейинчалик яна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариши

имконини беради” [9] деб таъкидлаган ҳолда биотрансформация жараёнини ўсиш жараёни ва дегенерацияга ажратган ҳолда таснифлайди ва қуйидагича тавсифлаб беради (1-расм).



1-расм. Биотрансформация жараёни [9]

Шунингдек, иқтисодчи олима олиб борган тадқиқотлари натижасида “Биотрансформация – унумдорлик ва маҳсулдорликни ошириш орқали энг катта иқтисодий самарани олиш мақсадида барқарор қулай шароитни яратиш орқали инсон таъсир қилиши мумкин бўлган, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва ўсимликларининг биологик ўзгаришлари жараёни” [9] деган хулосага келади.

Тадқиқот методологияси. Бизнес жараёнларида биологик активларнинг ҳисоб объекти сифатида таснифланиши ва тавсифини тадқиқ қилишда илмий-тадқиқот методологиясидаги мавжуд назарий ва эмпирик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Жумладан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, далиллар тўплаш ва муаммони кўйиш каби назарий-тадқиқот методларидан фойдаланилди. Шунингдек, илмий адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва хўжалик фаолиятини ўрганиш, кузатиш ва давр оралиғида тадқиқ қилиш каби эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди. Бу эса, мақола мавзусига доир ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг методологик асосини ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар. Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий асарларида биологик актив тушунчасига берилган таъриф ва ёндашувлардан кўриш мумкинки, уларда биологик активлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бериши, кўшимча биологик активларни ишлаб чиқаришга қодир бўлиши, биологик трансформацияга учраши, иқтисодий наф келтириши, келгусида корхона фаолияти жараёнида фойдаланиш мумкинлиги каби ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратишган. Албатта, уларнинг ёндашувлари эътиборга лойиқ ҳисобланади. Бироқ, бухгалтерия ҳисоби нуқтаи-назаридан биологик

активлар моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Шу боис, “биологик актив” тушунчасига бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан ҳисоб объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида қуйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади: “Биологик актив – бу қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ва кўшимча биологик активлар олиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган, ишончли баҳолаш ва назорат қилиш мумкин бўлган, келгусида иқтисодий наф келтирадиган активдир”.

“Биологик актив” тушунчасига юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган таърифлар ва иқтисодчи олимларнинг ёндашувларидан бизнинг ёндашувимиз қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади. Биринчидан, биологик активдан қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ва кўшимча биологик активлар олиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятида фойдаланиш натижасида ўсиш (биологик активлар миқдорини ошириш ёки сифатини яхшилаш) ёки такрор ишлаб чиқариш жараёнида кўпайиши (кўшимча биологик активларнинг олиниши) билан боғлиқ биологик трансформация жараёни содир бўлади. Унинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва янги биологик актив олинади. Масалан, қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида қорамол биологик актив ҳисобланади. Ушбу қорамолдан тайёр маҳсулот сифатида олинган сут қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобланса, олинган насл (бузоқ) янги биологик активдир. Иккинчидан, биологик актив қиймати ишончли баҳоланса, уни тўлиқ назорат қилиш имконияти ва у билан боғлиқ келгуси иқтисодий наф келиши эҳтимоли мавжуд бўлсагина актив сифатида тан олинади ҳамда молиявий ҳисобот элементи сифатида акс эттирилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, биологик активларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришда, уларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича тўғри таснифланиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки, тадбиркорлик субъектларида молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бизнес жараёнларининг ҳар бир босқичида биологик активларнинг турли гуруҳлари бўйича содир бўлган операцияларни ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ҳужжатлаштириш, ҳисоб регистрларида ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш, улар бўйича оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш имконини беради. Хусусан, 41-сонли “Қишлоқ хўжалиги” номли БҲХСнинг 41-бандида ташкилот биологик активларнинг ҳар бир гуруҳининг таснифини таъминлаши лозимлиги белгиланган бўлса, унинг 43-бандида тадбиркорлик субъекти томонидан истеъмолга мўлжалланган ва ҳосилдор биологик активлар ёки етилган ва етилмаган биологик активларни фарқлаган ҳолда ҳар бир гуруҳнинг миқдорий таснифини таъминлаш маъқулланган. Шу билан бирга, 41-сон БҲХСнинг 44-45-бандларида биологик активлар истеъмол-

га -мўлжаллаган ва ҳосилдор биологик активлар сифатида ҳамда етилган ва етилмаган биологик активлар сифатида таснифланган ҳолда тавсифлаб берилган.

Республикамиздаги миллий ҳисоб тизимида эса, биологик активлар сифатида тан олинган активлар алоҳида таркибланган ҳолда кўрсатиб ўтилмаган. Фақат асосий воситалар сифатида ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда кўп йиллик ўсимликлар, товар-моддий захиралар сифатида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар сифатида туркумланган ҳолда ёритиб берилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу борада иқтисодчи олимларнинг ҳам қарашлари ва ёндашувларининг турлича эканлигини кузатиш мумкин. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлар К.Хушвакзода ва Д.Назаровлар “41-сон “Қишлоқ хўжалиги” БҲХС (IAS) биологик активларни уларнинг мақсади ва йиғиш ёки фойдаланиш муддатига қараб гуруҳлаш имконини беради” [10] деб таъкидлаган ҳолда биологик активларни гуруҳлаш тартибини қуйидагича акс эттиради (2-расм):



2-расм. 41-сонли БҲХСга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг биологик активларини гуруҳланиши [10]

Латвиялик иқтисодчи олимлар Iluta Arbidane ва Iveta Mietuleларнинг фикрига кўра, “Биологик активларни бир неча хусусиятларига кўра таснифлаш мумкин:

- фойдаланиш вақти ёки фойдаланишга тайёрлаш вақтига кўра;
- етуклик ёки етуклик белгиларига кўра;

- бир неча марта иқтисодий фойда олиш имкониятига кўра, яъни қўшимча биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти” [11].

Иқтисодчи олимлар томонидан юқоридаги биологик активларнинг таснифининг ҳар бир турини тавсифлаган ҳолда иқтисодий жиҳатдан асослаб берилган. Яъни, уларнинг таъкидлашича, биологик активларни таснифлашнинг дастлабки икки тури бухгалтерия ҳисоби нуқтаи

назаридан энг фойдали ҳисобланади, даромадни кўпайтиришни хоҳлайдиган қишлоқ хўжалиги компаниялари биологик активларни таснифлашнинг учинчи туридан фойдаланишлари керак.

Иқтисодчи олима Л.Ф.Ситдикова ёзишича, “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида биологик активларнинг мақсади ва асосий тайинланиши биотрансформация натижасида янги маҳсулотларни олиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг натижалари биотрансформация имкониятларидан фойдаланиш ва амалга ошириш даражасига боғлиқ. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни натижаларида босқичма-босқич шакллантириш, фойдаланиш ва натижалар олишга муҳим эътибор қаратиш зарур. Юқорида баён этилганлар асосида

биологик активларнинг қуйидаги ҳаётийлик босқичларини ажратиш ва уларни бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин:

- 1) биологик активларни шакллантириш;
- 2) биологик активлардан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш;
- 3) фойдаланиш натижаларини сотиш ва биологик активларнинг чиқиб кетиши” [9].

Иқтисодчи олима Н.Н.Агошкова эса, “Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш муддати ва истеъмол характериға кўра биологик активларни жорий ва узоқ муддатли активларга ажратиш мумкин” [5] деб таъкидлаган ҳолда у узоқ муддатли биологик активлардан такрор ишлаб чиқаришда фойдаланишни ҳисобга олиш мақсадида қуйидагича таснифлаш схемасини келтириб ўтади (3-расм).



3-расм. Узоқ муддатли биологик активларни таснифлаш схемаси [5]

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан З.У.Мухаммадиев “Фикримизча, биологик активларга оид миллий стандартларимизда уларнинг республикамизда мавжуд бўлган турлари эътиборга олинган ҳолда ўзига хос гуруҳлари, ушбу гуруҳларнинг таркиби махсус белгиланиши лозим. 41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги” да келтирилган биологик активлар таркиби, бизнингча тўлиқ эмас. Стандартда келтирилган биологик активлар таркиби планетамизнинг барча ҳудудларида, чунончи бизнинг мамлакатимизда мавжуд бўлган биосфера мавжудотлари турларини тўлиқ очиб бермайди” [7] деб таъкидлаган ҳолда 41-сон “Қишлоқ хўжалиги” номли БҲХСга таянган ҳолда миллий стандартимизда

биологик активлар ва улардан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибини чорвачилик ва ўсимликчилик соҳалари бўйича гуруҳлаган ҳолда белгилашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Иқтисодчи олим Б.Ю.Менгликулов эса, “Қишлоқ хўжалиги” номли 41-сон БҲХСни қўллашда услубий жиҳатлар муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратган ҳолда “Биологик активлар ва уларнинг биотрансформацияси натижалари ҳисоби бўйича миллий тармоқ стандартларини ишлаб чиқиб, биологик активлар тушунчасини норматив жиҳатдан мустақкамлаш зарур.

Бизнес жараёнларида биологик активларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида туркумланиши

Бизнес жараёнлари	Молия-хўжалик фаолиятидаги ҳаракати	Туркумлаш белгилари	Туркумлаш гуруҳлари	Белгилари бўйича бухгалтерия операциялари (бухгалтерия ҳисоби объектлари сифатида гуруҳ туркумлари)
Таъминот жараёни	Биологик активлар кирими	Иқтисодий мазмуни	Узоқ муддатли актив Жорий актив	- капитал қўйилмалар таркибидан қабул қилиш-топшириш; - олди-сотди шартномаси бўйича харид қилиш; - таъсисчиларнинг устав капиталига ҳиссалари; - текинга олиними (ҳада шартномаси бўйича); - айирбошлаш ва бошқа операциялар натижасида киритилиши.
Ишлаб чиқариш жараёни	Биологик активлардан молия-хўжалик фаолиятида фойдаланиш	Фойдаланиш соҳаси	Деҳқончилик	- биологик активларни сақлаш харажатлари ва маҳсулот олиними ҳисобга олиш;
			Чорвачилик	- янги биологик активлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳаққоний қиймати бўйича кирим қилиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш;
			Умумхўжалик фаолияти	- биологик активлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки тан олишда ва сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида юзага келадиган фойда ва зарарларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш.
		Фойдаланиш муддати	Узоқ муддатли	- узоқ муддатли биологик активларга эскириш ҳисоблаш ва ҳисобга олиш; - узоқ муддатли биологик активларни қайта баҳолаш ва унинг натижаларини ҳисобда акс эттириш.
			Қисқа муддатли (жорий)	- биологик активларни ҳаққоний қиймати бўйича ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариш; - биологик активларни маҳсулот турлари бўйича ҳаққоний қийматда харажатларга олиб бориш.
		Фойдаланиш йўналиши	Истеъмолга мўлжалланган	- биологик активлардан маҳсулот олиними ҳисобга олиш; - ҳосилдор ўсимликлардан маҳсулот олиними ҳисобга олиш; - биологик активларни қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида ҳисобга олиш.
			Ҳосилдор биологик активлар	- ҳосилдор биологик активлардан маҳсулот олиними ҳисобга олиш; - ҳосилдор ўсимликларга ҳисобланган эскириш суммаларини ҳисобга олиш; - ҳосилдор биологик активларни ҳаққоний қиймати бўйича қайта баҳолаш.
		Фойдаланишга яроқлилиги	Вояга етган	- маҳсулот бериш хусусиятига эга истеъмолга мўлжалланган биологик активларни жорий биологик активлар таркибига ўтказиш; - ҳосилдор биологик активларни узоқ муддатли биологик активлар таркибига ўтказиш; - ҳосилдор ўсимликларни асосий воситалар таркибига ўтказиш.
Вояга етмаган	- биологик активларнинг шаклланиши бўйича харажатларни акс эттириш			
Реализация жараёни	Биологик активлар чиқими	Чиқиб кетиш йўналишлари	Реализация қилиш Бошқа операциялар натижасида чиқиб кетиши	- реализация қилиш; - тугатилганда (фойдали хизмат муддати яқунланганда, табиий офатлар, ҳаром ўлган ва мажбурий сўйиш ва бошқа ҳодисалар натижасида тугатиш); - айирбошланганда; - текинга берилганда ва бошқа операциялар натижасида чиқиб кетиши; - биологик активларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ молиявий натижаларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш.

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Биологик активлар ҳисоби бўйича миллий тармоқ стандартини ишлаб чиқиш мақсадлари учун тармоқ ҳисоби амалиётида маълумотларнинг сифат даражасини оширишга имкон берувчи қуйидаги тушунчалар илмий асосланиши ва аниқлаштирилиши керак” [8] деб таъкидлайди ҳамда биологик активлардан фойдаланиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибига кўра узоқ муддатли ва қисқа муддатли биологик активларга таснифлаган ҳолда уларни тавсифлаб беради.

Шундай қилиб, юқоридаги хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари биологик активларни 41-сон БҲХС талаблари асосида фаолият соҳаси, фойдаланиш муддати, истеъмолга мўлжалланган ва ҳосилдор ҳамда етуклик даражаларига кўра таснифлаган ҳолда тавсифлаб беришган. Албатта, уларнинг ёндашувлари ҳам услубий, ҳам амалий жиҳатдан аҳамиятга молик ҳисобланади. Бироқ, уларнинг ёндашувлари асосан биологик активларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Бу эса, тадбиркорлик субъектларида биологик активлар бухгалтерия ҳисоби объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида бизнес жараёнларининг ҳар бир босқичидаги ҳаракатини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш имконини бермайди. Шу боис, бизнинг фикримизча тадбиркорлик субъектларида бизнес жараёнлари ва молия-ҳўжалик фаолиятидаги ҳаракати бўйича ажратган ҳолда биологик активларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида қуйидагича туркумлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (жадвал).

Қуйидаги жадвалдан кўринадики, биологик активларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида туркумланишида бизнес жараёнлари ва молия-ҳўжалик фаолиятидаги ҳаракати бўйича туркумлаш гуруҳлари ва туркумлаш белгилари бўйича бухгалтерия операциялари келтириб ўтилган. Хусусан, бизнес жараёнларининг таъминот жараёнида биологик активларнинг кирими билан боғлиқ операциялар ҳисобга олинади ва молиявий ҳисоботда иқтисодий мазмунига кўра узоқ муддати ёки жорий активлар сифатида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида биологик активлардан молия-ҳўжалик фаолиятида фойдаланиш билан боғлиқ ҳўжалик операциялари ҳисобга олинади. Бунда биологик активлар фойдаланиш соҳаси, фойдаланиш муддати, фойдаланиш йўналиши ва фойдаланишга яроқлилигига кўра туркум гуруҳларига ажратилган ҳолда ҳисобга олинади ва молиявий ҳисоботда акс эттирилади.

Реализация жараёнида биологик активларнинг чиқими, чиқиб кетиш йўналишлари бўйича ҳисобга олинади. Яъни, бунда биологик активларнинг реализация қилиш ва бошқа операциялар натижасида чиқиб кетиши билан боғлиқ бухгалтерия операциялари ҳисобга олинади ҳамда молиявий натижа кўрсаткичлари шакллантирилган ҳолда молиявий ҳисоботда акс эттирилади.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ активларни бухгалтерия ҳисоби объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида тавсифлаш ҳамда таснифлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

биринчидан, тадбиркорлик субъектлари қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг асосий объекти бу биологик активлардир. Шу сабабли, “биологик актив” тушунчасига ҳисоб объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий асарларидаги таърифлар, ёндашувлар ўрганилди ҳамда муаллифлик ёндашуви шакллантирилди. Шу билан бирга, “биологик актив” тушунчасига таклиф этилаётган муаллифлик ёндашувининг ўрганилган манбаларда берилган таърифлар ва ёндашувлардан фарқли жиҳатлари асослаб берилди;

иккинчидан, “Биологик трансформация” тушунчаси тавсифланди ҳамда биотрансформация жараёнида биологик активларда содир бўладиган ўзгаришлар таснифланган ҳолда тавсифлаб берилди;

учинчидан, биологик активларни таснифланиши бўйича хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг ёндашувлари ўрганилди ҳамда биологик активларни тадбиркорлик субъектларида бизнес жараёнлари ва молия-ҳўжалик фаолиятидаги ҳаракати бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда уларни бухгалтерия ҳисоби объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида туркумланиши таклиф этилди. Фикримизча, биологик активларни таклиф этилаётган туркумланиши, уларнинг бизнес жараёнлари ва молия-ҳўжалик фаолиятидаги ҳаракати бўйича бухгалтерия операцияларини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аниқ шакллантириш имконини беради. Бу эса, биологик активларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг батафсиллиги, объективлиги ва ишончилигини таъминлайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори.
2. 41-сон “Қишлоқ хўжалиги” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. <https://lex.uz/docs/6312360>.
3. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисоби стандарти (5-сонли БҲС) “Қишлоқ хўжалиги” <https://lex.uz/uz/docs/4124747>.

4. N.W.Widiyanti, B.Maharani, I.Purnamawati. Accounting Treatment of Biological Assets for Agricultural Companies in Jember and Bondowoso. *Journal of Finance & Banking Studies* 7(2), 2018: 58-65 pp.
5. Агошкова Н.Н. Совершенствование учета воспроизводства внеоборотных биологических активов в сельском хозяйстве // *Международный бухгалтерский учет*. 15 (261) – 2013. 20-28 ст. <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-ucheta-vosproizvodstva-vneoborotnyh-biologicheskikh-aktivov-v-selskom-hozyaystve>.
6. В.Ф.Палий *Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2011. – 417 с.*
7. З.У.Махаммадиев. Корхоналарда модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Т.: 2021. – 156 б.
8. Б.Ю.Менгликулов Чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Т.: 2023. – 203 б.
9. Ситдиқова Л.Ф. Развитие учета биологических активов в сельскохозяйственных организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Нижний Новгород – 2013. – 24 ст.
10. Khushvakhtzoda K, Nazarov D. The Fuzzy Methodology's Digitalization of the Biological Assets Evaluation in Agricultural Enterprises in Accordance with the IFRS. *Mathematics*. 2021; 9(8):901. <https://doi.org/10.3390/math9080901>
11. Puta Arbidane, Iveta Mietule. Problems and solutions of accounting and evaluation of biological assets in Latvia. *Entrepreneurship and Sustainability Issues*, 2018, 6 (1), pp.10-22. 10.9770/jesi.2018.6.1(1). hal-01947873.



ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАСИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мамасоатов Дилшод Равшанович -
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
катта ўқитувчиси

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a66](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a66)

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик субъектлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларларини сотиш бўйича электрон савдо майдончасидан фойдаланиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган товар ва хизматлар электрон савдо майдончаси орқали сотишни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилиб, бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари учун электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, экспорт, электрон савдо майдончалари, File Transfer Protocol, инфратузилма хизматлари, интернет бизнеси, электрон тижорат, электрон дўкон, business to business, корхонанинг корпоратив веб-сайти.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ ТОРГОВОЙ ПЛОЩАДКИ ДЛЯ РЕАЛИЗАЦИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ

Мамасоатов Дилшод Равшанович -
старший преподаватель Университет журналистики
и массовых коммуникация Узбекистана

Аннотация. В статье рассматривается целесообразность использования электронной торговой площадки для реализации субъектами хозяйствования сельскохозяйственной продукции, а также целесообразность организации реализации товаров и услуг, созданных субъектами хозяйствования, через электронную торговую площадку.

Ключевая слова: предприниматели, экспорт, электронные торговые площадки, протокол передачи файлов, инфраструктурные услуги. Интернет-бизнес, электронная коммерция, интернет-магазин, бизнес для бизнеса, корпоративный сайт предприятия.

IMPROVING THE USE OF THE ELECTRONIC TRADING PLATFORM FOR THE SALE OF AGRICULTURAL PRODUCTS BY ENTERPRISES

Mamasoatov Dilshod Ravshanovich -
Senior teacher of journalism and mass
communication university of Uzbekistan

Abstract. The article discusses the feasibility of using an electronic trading platform for the sale of agricultural products by business entities, as well as the feasibility of organizing the sale of goods and services created by business entities through an electronic trading platform.

Keywords: entrepreneurs, exports, electronic marketplaces, file transfer protocol, infrastructure services. Internet business, e-commerce, online store, business to business, enterprise corporate website.